


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 17 август, № 172-173 (7952-7953) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ПРЕЗИДЕНТ МУФТИЙ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРДИ

**Халқимиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов 15 август куни хасталик туфайли вафот этди.**

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Усмонхон Алимов 1950 йил 1 январда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган. Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, Тошкент ислом институтида, Марокаш давлатининг Қаравиййин университетида таҳсил олиб, ислом дини асосларини, араб ва форс тилларини чуқур ўрганган.

У 1980 — 2006 йилларда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Имом Бухорий масжидида имом ноиби, имом-хатиб вазифаларида ишлаган. 2000 — 2006 йилларда Самарқанд вилояти бош имом-хатиби бўлган.

Усмонхон Алимов 2006 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий сифатида фаолият юритиб келаётган эди. Бой билим ва тажрибасини эзгу амалларга сафарбар этди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи, ҳамдардлик сўзлари оғир жудоликка учраган кўнгилларга таскин бўлди.

Марҳумнинг ҳақига дуо қилинди.

Президентимиз муфтийнинг эзгу ишларини ёдга олди.

— Ҳаммамиз учун катта йўқотиш бўлди. Улуғ инсон эдилар. Билими, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги билан элимизда обрў топган эдилар. Бу бало бутун дунёга азоб олиб келди, қанча йўқотишлар бўлаяпти. Қўлимиздан келган ҳамма ҳаракатни қилдик. Лекин Аллоҳнинг иродаси экан. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин. У кишини яхши ном билан эслаб, ишларини давом эттириб, руҳларини шод қилайлик, — деди Шавкат Мирзиёев.

**ЎзА.**

---

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 июлда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **28-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**28-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш ва протест келтириш**

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши, шунингдек прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин».

**(Давоми 4, 5, 6-бетларда).**

---

Сенатор ва ҳаёт

## ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда сенаторлар жойларда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан турли тарғибот тадбирлари ўтказмоқда. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” шиори остида ташкил этилаётган бу анжуманларда юртимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилмоқда.*

Ана шундай тадбирлардан бири Навоий давлат кончилик институтида Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Қ. Санақулов, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати С. Бозорова, иқтисодиёт фанлари доктори Н. Ашурова, маҳаллалар фаоллари ва комбинат ишчи-ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мустақиллик халқимизга фаровон ҳаёт бахш этди, юртдошларимиз орзу-мақсадлари рўёбга чиқаётир, мамлакатимиз дунёда ўз ўрни, обрў-эътиборига эга бўлди. Айниқса, сўнгги беш йилда Президентимиз раҳнамолигида улкан ислоҳотлар амалга оширилиб, барча соҳада мисли кўрилмаган ижобий ютуқларга эришилди. Буни халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этиб келмоқда.

Ўз навбатида, сенатор кейинги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилгани, мажбурий меҳнатга чек қўйилгани, валюта бозори эркинлаштирилгани, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф қилингани, солиқ соҳасидаги ижобий ўзгаришлар туфайли тадбиркорларга кенг имконият яратилганини қайд этди.

Давра суҳбатида сўнгги беш йилда кон-металлургия тармоғида қўлга киритилган ютуқлар ҳам санаб ўтилди.

* * *

Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани марказида жойлашган “Мўъжиза” истироҳат боғида Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси С. Суярова иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

➔ 2

---

# МИЛЛАТИМИЗНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

**Спортчи ёшлар ҳар доим халқимиз ва давлатимиз эътиборидадир.**



**Акс садо**

*XXXII ёзги Олимпия ўйинлари. Токиода бўлиб ўтган дунёдаги энг нуфузли ушбу мусобақаларда Ватанимизнинг мард ва жасур спортчилари ҳам иштирок этиб, халқимизга ёрқин ғалабаларни улашди. Энг муҳими, қўлга киритилган ютуқлар давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига муносиб совға бўлди. Бундай натижалар юртдошларимиз, спорт ихлосмандлари қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди, десак, айни ҳақиқат.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 13 август куни XXXII ёзги Олимпия ўйинларида қатнашган спортчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда мураббийлари билан учрашди.*

*Давлатимиз раҳбарининг 12 августдаги Фармонига мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.*

8- саҳифага қаранг. ➔

---

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА БИР ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН НОРМАЛАРГА ЗИДДИР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида мамлакатимизнинг турли соҳалари ривожига оид бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, парламент назорати институтидан фойдаланган ҳолда қатор вазирликларнинг фаолиятига оид ахборотлар эшитилди.*

### Депутатлар муҳим қарор лойиҳасини қабул қилди

Шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Тошкент шаҳри аҳолиси сони 2737,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 42,8 минг кишига ёки 101,6 фоизга ўсган. Аҳолининг зичлиги эса 1 км. кв. майдонга 7 минг 564 кишини ташкил этмоқда.

Пойтахт аҳолиси сонининг йил сайин юқори суръатларда ўсиб бориши шаҳарда янги ижтимоий соҳа объектларини қуриш, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини барпо қилиш, маданий ва дам олиш масканларини кўпайтиришни тақозо этяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Мазкур масала парламент қуйи палатасининг шу йил 10 август куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида ҳам муҳокама қилиниб, халқ вакиллари томонидан берилган кўплаб саволлар очиқ қолгани сабабли, қарор лойиҳаси қўмитага қайтарилган эди. Ўтган вақт ичида лойиҳани маромига етказиш, янада такомиллаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, депутатлар иштирокида давра суҳбати ўтказилиб, қарор лойиҳаси такомилига етказилди.

Депутатларнинг фикрича, Тошкент вилояти ҳудудидан Тошкент шаҳрига ер майдонларининг ўтказилиши келгусида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга хизмат қилади.

➔ 2

---

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ҲОЛАТИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар бўйича координатори офиси билан ҳамкорликда қорақалпоғистонлик етакчи аёллар учун “Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш: халқаро ва миллий тажриба” мавзуида давра суҳбати уюштирилди.*

**Давра суҳбати**

Қайд этилганидек, охирги йилларда юртимизда хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, опа-сингилларимиз салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шу жумладан, хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олиш давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

➔ 3

---

## ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

*Бугунги кунда парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни ривожлантириш учун доимий майдон вазифасини ўтамоқда ва ўз навбатида, чет эллик ҳамкорлар билан очиқ, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришнинг қулай механизмига айланмоқда.*

**Анжуман**

Агар 2015 — 2019 йиллар давомида 28 давлатнинг қонунчилик органлари билан ҳамкорлик гуруҳлари фаолият олиб борган бўлса, ҳозир уларнинг сони 51 тага етди, жумладан, 50 та давлат ва Европа Иттифоқи парламенти билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил қилинган.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Парламент дипломатияси концепциясининг амалиётга татбиқ этилиши ва истиқболдаги вазифалар” мавзуидаги конференцияда айтиб ўтилди.

Видеоконференцияни ўтказишдан асосий мақсад Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган Парламент дипломатияси концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда, келгусидаги вазифаларни аниқлаштириб олиш, хусусан, хорижий мамлакатлар парламентлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни халқаро майдонда илгари суриш ва ижросида парламент дипломатиясининг ролини янада ошириш истиқболларини муҳокама қилиш, бу борада илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

➔ 3

---

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ ҒОЯЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИ БЎЛАДИ




*Яна саноқли кунлардан кейин азиз Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу тарихий санага “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу ғоя асосида қизғин тайёргарлик кўраётган халқимиз истиқлол байрамини барча соҳада улкан муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.*

*Айни пайтда яна бир катта сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтадиган кун — 24 октябрь санаси ҳам тобора яқинлашмоқда.*

### Масъулиятли палла

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар Сайлов кодексига қатъий амал қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режасига мувофиқ тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Таъкидланганидек, Президент сайлови юксак сиёсий тафаккур маҳсули — мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг рўёби, Ўзбекистоннинг юксак тараққиётига халқ билдирадиган комил ишончнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 14 август куни видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган навбатдаги кенгайтирилган мажлисида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, шунингдек, округ сайлов комиссиялари таркибига номзод сифатида тавсия этилган раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг котибиятлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Комиссиямизнинг 9 август куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округларини тузишга доир масала кўриб чиқилган ва ўн тўртта сайлов округини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу борадаги зарур маълумотлар, жумладан, қарор Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда марказий нашрларда, жумладан, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилинди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар муҳокама қилинди ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Сайлов кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссиянинг саккиз нафардан ўн саккиз нафарга қадар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.



➔ 2

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ ҒОЯЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИ БЎЛАДИ

1

Сайлов қонунчилига кўра, йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, шунингдек, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Айни пайтда бошқа сайлов комиссияларининг ҳамда сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича ўн тўртта округ сайлов комиссиясининг шахсий таркибига тавсия этилган номзодлар кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

## Таҳлилчилар фикри

Тасдиқланган округ сайлов комиссиялари аъзолари ҳақида гап кетганда, баъзи рақамларга эътибор қаратиш тўғри бўлади, деб ўйлайман: округ сайлов комиссиялари аъзоларининг умумий сони 266 нафар, шундан 104 нафари (39 фоизи) хотин-қизлар. Аъзоларнинг 150 нафари (56 фоизи) аввалги сайловларда қатнашган.

Аъзолар сафи педагоглар — 90 нафар (34 фоиз), иқтисодчилар — 41 нафар (15 фоиз), ҳуқуқшунослар — 32 нафар (12 фоиз), муҳандислар — 26 нафар (10 фоиз), шифокорлар — 21 нафар (8 фоиз), журналистлар — 11 нафар (4 фоиз).

Бу йилги Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида навқирон авлод вакиллари ҳар қачонгидан кўра кўп: 31 ёшгача бўлган йигит-қизлар 23 нафар (9 фоиз) бўлса, 41 ёшгача бўлганлар эса 77 нафар (28 фоиз)ни ташкил этди.

Бу — мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Экспертлар яна бир рақамга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. 2019 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказган округ сайлов комиссиялари таркибида ногиронлиги бор ижтимоий фаол фуқаролар 3,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бўладиган Президент сайловида бу рақам беш фоизга етган.

Таҳлилчилар фикрича, бу, энг аввало, мамлакатимиз фуқароларининг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари тўла шакллантирилгани билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг ратификация қилиниши, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун жорий йилнинг 15 январидан кучга киритилиши бунга яққол мисолдир.

Ушбу муҳим қонун ҳужжатлари мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратиш, қонунчиликни янада такомиллаштириш, ногиронлиги борларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жамият ва давлат қурилиши ишларида улар учун тенг ва кенг имкониятларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Карлар жамияти ва Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ўртасида имзолаган ҳамкорлик келишуви ҳам Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида имконияти чекланган фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини кенг таъминлашга хизмат қилаётир.

Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида мамлакатимизда истиқомат қилаётган деярли барча миллат вакиллари борлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомга биноан, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар округ сайлов комиссияларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар, мажлис заллари, хоналар ҳамда асбоб-ускуналарни бепул бериб туриши шарт.

Округ сайлов комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан камида саккизта хонадан иборат ва тегишли тартибда жиҳозланган бино билан, шунингдек, транспорт, алоқа воситалари ва юқори тезликда ишлайдиган интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланади. Округ сайлов комиссиялари ҳузурида Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг ҳудудий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси округ сайлов комиссиялари ўз ишини миллий сайлов қонунчилиги талаблари, очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилига тўла амал қилган ҳолда олиб боришига хизмат қилади.

## Улкан шараф ва юксак ишонч

Округ сайлов комиссиялари таркибига фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ногиронлар ташкилотларининг обрўли вакиллари, таниқли журналистлар, олимлар, ижодкор зиёлилар ҳам кенг жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси таркибидан жой олиш улкан шараф ва юксак ишончдир.

Айни пайтда бу ишончнинг замирида катта масъулият ҳам мужассам эканлиги аён. Зеро, бу йилги Президент сайлови биринчи марта Сайлов кодекси асосида, янгича шароитда, демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда ўтишини сайлов комиссияларининг ҳар бир аъзоси чуқур ҳис қилиши зарур. Бу ҳар бир сайлов ташкилотчисидан нафақат чуқур билим, ишчанлик, балки фидойилик ва садоқат ҳам талаб қилади.

Жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари сифатида эътироф этилган барча даражадаги сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари ана шундай юксак талаблардан келиб чиқиб иш юритади ҳамда сайловчилар ва халқимиз олдида ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади, деб ишонамиз.

## Имзо тўплаш. Бунинг аҳамияти нимада?

Шу кунларда сиёсий партияларнинг фаоллари ва тарафдорлари сайловчиларнинг имзоларини тўплашга жадал киришди. Бу жараённинг аҳамияти нимада?

Маълумки, Сайлов кодексига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида қатнашишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганидан жамотчиликнинг яхши хабари бор.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилди.

> *Бу йилги Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида навқирон авлод вакиллари ҳар қачонгидан кўра кўп: 31 ёшгача бўлган йигит-қизлар 23 нафар (9 фоиз) бўлса, 41 ёшгача бўлганлар эса 77 нафар (28 фоиз)ни ташкил этди.*
>
> *Бу — мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.*

Йиғилишда Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу бешта сиёсий партиянинг ваколатли вакилларига белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

Сайлов кодексида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, “Имзоларни тўплаш тартиби” деб аталган алоҳида модда киритилган.

Марказий сайлов комиссияси шу йил 14 апрелда тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисида”ги низомга биноан, сайловда қатнашишига ижозат берилган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизининг имзосини тўплаши керак. Бу ҳар бир сиёсий партия камида 210 минг сайловчининг имзосини тўплаши зарур, демакдир.

Битта маъмурий-ҳудудий тузилмада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия тегишинча имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайлов кодексининг 38-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сиёсий партия ўзининг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейингина сайловчиларнинг имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг ёки идентификация ID-картасининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатади. Мазкур маълумотлар қўлда ёзиб киритилади. Имзо варақасига ўз имзосини қўядиган сайловчи тўғрисидаги маълумотлар сайловчининг илтимосига кўра имзо тўплашни амалга ошираётган шахс томонидан киритилиши мумкин.

Сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан тенг нисбатда танлаб олиниши, имзо варақалари тўғри тўлдирилиши, белгиланган тартибда ва муддатда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши зарур.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Кези келганда қайд этиш зарур, мамлакатимизнинг Сайлов кодексида ўз ифодасини топган сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли, деган қоида электоратнинг танлаш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган илғор демократик янгилик сифатида халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг шу ҳақдаги хулосасида шундай сатрлар бор: “38-модда сайловчига сайловларда иштирок этадиган бир нечта партияни ўз имзоси билан қўллаб-қувватлаш имконини беради. Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигидаги бу ўзгариш фикрлар ранг-баранглиги ва партиялараро рақобатнинг ривожланишида муҳим омил бўлади”.

## Самимий интилиш моҳияти

Комиссия мажлисида сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказишга доир масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сайлов даврида журналистлар ўз фаолиятини амалга оширишлари учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида уларни аккредитациядан ўтказиш изчил давом эттирилмоқда.

Комиссиямизнинг 9 август куни бўлиб ўтган аввалги мажлисида оммавий ахборот воситаларининг беш юздан зиёд вакиллари аккредитациядан ўтказилган эди. Энди уларнинг сони яна қарийб икки юз нафарга кўпайди ва жами етти юз нафардан ошди.

Ушбу рақамлар замирида оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жараёнларни кенг ва холис ёритишга бўлган самимий интилиш мужассамдир. Бундай интилиш Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Марказий сайлов комиссияси билан мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясини ёритиш бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзолангани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, “Дунё” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Zo‘r TV” телерадиокомпанияси, “UzReport” ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳамкорликни кучайтириш ҳамда тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзоланган эди.

Марказий сайлов комиссиясининг мазкур йўналишдаги ҳамкорлари орасида нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам тобора кўпаймоқда. Аккредитациядан ўтказишни сўраб мурожаат қилганларнинг ярмидан зиёди нодавлат ва хусусий оммавий ахборот воситаларига мансуб. Биргина “Kun.uz” интернет нашридан ўттизга яқин вакиллар аккредитациядан ўтказилди. Беш-олти йил илгари бундай бағрикенгликни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Яқинда “Ижтимоий фикр” нодавлат жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўровлар натижасида сайловчилар Президент сайловига доир янгиликлар ва ахборотларни кўпроқ қайси манбалардан олиши маълум бўлди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ахборотнинг энг талабгир манбаси — Ўзбекистон давлат телевидениеси. Сўров иштирокчиларининг 68,9 фоизи сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотларни, асосан, телевидениедан олади. Бу борада интернет иккинчи ўринни (33,5 фоиз) эгаллади. 25 фоиз респондентлар учун нодавлат телевидение каналлари ахборотнинг асосий манбаси ҳисобланади.

## Очиқ мулоқот

Марказий сайлов комиссиясининг Тошкентдаги Симпозиумлар саройи биносида жадал иш бошлаган Матбуот марказида юқори малакали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослашган гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Сайлов кампанияси бошланганидан буён ўтган қисқа вақт ичида бу ерда ўттизга яқин муҳим тадбирлар ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раҳбарлари, сайловлар бўйича етакчи экспертлар ва олимлар билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг катта қизиқиш уйғотган биринчи очиқ ва юзма-юз мулоқоти шулар жумласидандир.

Журналистлар уни “биринчи” ва “очиқ” деб атаганининг боиси шундаки, учрашувда, одатдаги брифинг ёки матбуот анжуманларида бўлгани каби муайян бир мавзу атрофида чекланилмасдан, кўлам анча кенг олинди. Ўнлаб блогерлар, мустақил журналистлар, жумладан, хорижий журналистлар ҳам қатнашган тадбирда иштирокчилар нафақат Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, балки миллий сайлов тизимига оид истаган саволини берди.

“Галстуксиз учрашув” деб номланган ва бир соатга мўлжалланган мулоқот уч соатдан ортиқ давом этди. Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозарага айланиб кетган тадбирда мавжуд муаммолар ва камчиликлар ҳам рўйирост айтилди. Талай амалий таклифлар ўртага ташланди.

Сайловни ёритадиган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун Президент сайловининг аҳамияти, ўзига хос томонлари, миллий сайлов қонунчилиги ва унга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар, халқаро сайлов стандартларининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-тренинглар ташкил этиш таклифи шулар жумласидандир.

Журналистларнинг бу таклифи комиссиямиз томонидан қўллаб-қувватланди. Куни кеча Матбуот марказида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг бир гуруҳ ходимлари учун ана шунда қизиқарли машғулотлар бошланди.

Сирасини айтганда, сайлов жараёнларини ёритишда журналистларга кўмак беришга қаратилган бундай ўқувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Марказий сайлов комиссияси билан БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа ҳам шу масалага қаратилган. Лойиҳа доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари, айниқса, ҳудудий журналистларга асосий эътибор қаратгани ҳолда, “Сайлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида самарали ёритиш” мавзуида туркум онлайн семинар-тренинглар ташкил этилди. Бугунги кунгача деярли барча ҳудуддаги журналистлар миллий ва халқаро тренерлар томонидан олиб борилган ана шундай машғулотларда ўз билимини оширди.

Халқаро экспертлар томонидан ўтказилган тренинглар давомида сайлов кампанияси даврида сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг роли, жамоатчилик билан алоқалар ҳамда илғор халқаро тажрибани қўллаш амалиёти каби мавзулар юзасидан мунозараларда журналистлар фаол иштирок этди.

Собитқадамлик билан амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда тобора мустаҳкам қарор топаётган очиқлик ва ошкоралик, демократик тамойиллар самарасида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти муттасил юксалиб, одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг эртанги кунга ишончи, сайлов жараёнларига қизиқиши ошаётгани, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Халқ манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари сифатида белгиланган мамлакатимизнинг миллий сайлов тизимида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ва изчил ишлар Ўзбекистон Республикаси Президент сайловини миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро тамойилларга таяниб, юксак демократик савияда, уюшқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси Раиси,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ

1

Мулоқотда сенатор томонидан сўнгги тўрт йилда амалга оширилган солиқ-бюджет ислоҳотлари, тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушланадиган фойда солиғи 10 фоиздан 5 фоизгача, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ 5 фоиздан 2 фоизга, тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов (янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ, ижтимоий солиқ деб номланган) ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилгани ишбилармонлик муҳитини кенг ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, юртдошларимиз ҳаёти, турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилдики, бу тадбиркорлар учун айни муддао бўлди.

* * *

Андижон тумани хокимлигида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси М. Ғаниева иштирокида аҳоли билан учрашув ўтказилди. Унда халқ депутатлари Андижон тумани Кенгаши, маҳаллий давлат органлари ва аҳоли вакиллари иштирок этди.

Мулоқотда сенатор томонидан жамиятда қонун устуворлиги ва судлар мустақиллигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан афв институтининг жорий этилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотлар тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, иштирокчиларга Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, хусусан, “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳияти кенг тушунтириб берилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг мақбуллаштирилишига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, айниқса, суғориладиган ерларнинг муҳофаза қилинишига, ер участкаларини беришда шаффофлик ва очиқлик таъминланишига, коррупция ҳолатлари камайишига, ер ажратишда ягона шахс томонидан қарор қабул қилиш механизми тугатилишига ва пировардида одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

* * *

Термиз шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида ўтказилган семинарда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари ва депутатлар қатнашди. Унда Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳияти ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти очиб берилди.

Қайд этилганидек, ялпи мажлисда 19 та масала, жумладан, 7 та қонун муҳокама қилинган эди. “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар ана шу сирасига киради. Мазкур ҳужжатлар бугунги кунда қандай долзарб аҳамиятга эга эканлиги сенаторлар томонидан чуқур тушунтириб берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА БИР ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН НОРМАЛАРГА ЗИДДИР

1

Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, қарор лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Аҳоли ва ҳудудлар табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан қандай муҳофаза қилинади?

Парламент қуйи палатасининг ялпи мажлисида депутатлар фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Қўлдошевнинг аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш, ёнғин хавфсизлиги, сейсмик кузатувлар ҳамда сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этиш бўйича бир қатор ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелдаги тегишли Фармонига мувофиқ, Ички ишлар вазирлигидан Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари ҳамда Ёнғин хавфсизлиги институти Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилиб, вазирликнинг фаолияти янги ташкилий-штат тузилмасига асосан ягона тизим доирасида йўлга қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, собиқ Ёнғин хавфсизлиги институти негизида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ташкил этилди. Шаҳрисабз шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи, Самарқанд шаҳрида бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳамда мазкур Академия ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича кўп босқичли тизим жорий қилинди.

Фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, Амударё ва Сирдарё дарёлари бориб қуйиладиган сув ҳавзалари, тоғли ҳудудларда жойлашган кўллар, 73 та сув омбори ва сел-сув иншоотларининг ҳолати ўрганиб чиқилди. Гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларда аниқланган доимий кўчирилиши лозим бўлган хўжаликларни хавфсиз ҳудудларга доимий ва вақтинчалик кўчириш чоралари кўрилди.

А. Қўлдошевнинг айтишича, ўта хавфли юқумли касалликлар, ис газидан ва овқатдан заҳарланишлар, зарарли чигирткаларнинг тарқалиши ҳамда тегишлилиги номаълум бўлган радиация манбаларининг топилиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан 112 та махсус-тактик ўқув машқи, ёнғинлар профилактикасини самарали ташкил этиш мақсадида объектларда режали ва тезкор текширишлар, ёнғин-профилактика кўриклари ўтказилди.

Мажлисда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кучайтириш, фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда аҳолига хабар бериш ва маълумот етказишнинг автоматлаштирилган тизимининг белгиланган муддатда яратилиши юзасидан назорат олиб бориш лозимлиги таъкидланди. Бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

### Қуйи палатада адлия вазирининг ахбороти эшитилади

Мажлисда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Давлетовнинг “Жамиятда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш масаласи кун тартибига киритилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ РАИСИ, МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВ



Ўзбек халқи оғир жудоликка учради.

Машҳур диний уламо, атоқли жамоат арбоби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Темирхон ўғли Алимов шу йил 15 август куни 71 ёшида вафот этди.

У. Алимов 1950 йил 1 январда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилди. 1982-1983 йилларда Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, 1983 — 1987 йилларда Тошкент ислом институтида, 1989-1990 йилларда Марокаш давлатининг Қаравиййин университетида таҳсил олди.

У муқаддас динимиз асосларини, араб ва форс тилларини чуқур эгаллаб, 1980 — 2006 йилларда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Имом Бухорий масжидида имом ноиби, имом-хатиб вазифаларида самарали фаолият олиб борди. Буюк аждодимиз Имом Бухорий абадий ором топган табаррук зиёратгоҳда олиб борилган кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишларида юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини намоён этди.

Усмонхон домла ўзини "Имом Бухорийнинг ходими" деб ҳисоблар ва бундай шарафли ном билан доимо фахрланар эди. У муҳаддислар султони бўлмиш буюк бобомизнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида юртимизда биринчилардан бўлиб "Имом Бухорий баракоти" асарини ёзган етук уламо эди.

2000 — 2006 йилларда Самарқанд вилояти бош имом-хатиби лавозимида сидқидилдан меҳнат қилиб, катта билим ва ҳаётий тажрибасини эзгу амалларга сафарбар этди.

У. Алимов 2006 йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига сайланди. Ўтган давр мобайнида у республикамизда ижтимоий-маънавий, диний-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш, динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини асраш ва кенг тарғиб этиш, ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш ишига беқиёс ҳисса қўшди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сўнгги йилларда амалга оширилган диний соҳадаги ислоҳотлар, хусусан, янги мадраса ва масжидларнинг очилиши, Қуръон ўқитиш курсларининг ташкил қилиниши, Қуръони каримнинг араб ва ўзбек тилларида чоп этилиши, идора қошида ахборот марказининг ташкил этилиши, "Вақф" хайрия жамоат фондининг фаолиятини йўлга қўйиш, мусулмон мамлакатлари ва хорижий ҳамкорлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши каби хайрли ишларда муфтий ҳазратнинг хизматлари катта бўлди.

Усмонхон Алимов юртимиз мусулмонларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш билан бирга, нафақат Марказий Осиёда, балки мусулмон дунёсида юксак обрў-эътибор қозонган улкан илм ва маърифат соҳиби сифатида эътироф этилган зот эди.

У 2012 йилда Ислом олами уюшмаси таъсис мажлисининг аъзоси ҳамда Бутундунё уламолар кенгаши аъзоси этиб сайланди. Сўнгги йилларда Иорданиянинг Исломий стратегик тадқиқотлар маркази томонидан эълон қилинадиган "Жаҳоннинг энг нуфузли 500 мусулмони" рўйхатидан муносиб ўрин эгаллади.

У. Алимов исломнинг барча илмлари соҳасида тан олинган беназир олим эди. Унга Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг фахрий доктори унвони берилган эди. Муфтий ҳазратнинг қаламига мансуб "Тафсири Ирфон" асари Қуръони карим маъноларини она тилимизда маҳорат билан акс эттирган муҳташам китобдир.

Олимнинг "Имом Бухорий — муҳаддислар султони", "Ҳазрати Имом", "Ёшлар — келажагимиз", "Расулуллоҳнинг муборак васиятлари", "Оилада фарзанд тарбияси" каби ўнлаб китоблари, юздан зиёд илмий-оммабоп мақолалари эл-юртимиз ўртасида маълум ва машҳур бўлди.

У. Алимов ҳамиша одамлар билан бирга, халқнинг дарду қувончига шерик бўлиб яшади. Аҳолининг маърифий саводхонлигини ошириш мақсадида "Сўраган эдингиз" деган махсус рукн ташкил қилиб, жамоатчиликни қизиқтирган кўплаб баҳсли масалаларга йиллар давомида жавоб ва ечим топиб берди.

У. Алимов давлатимиз ва халқимиз олдидаги унутилмас хизматлари, жамиятимизда бағрикенглик ва динлараро тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига қўшган муносиб ҳиссаси учун "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланган эди.

Халқимизнинг ажойиб фарзанди, машҳур уламо, атоқли жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Усмонхон Алимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. МИНОВАРОВ, С. ТУРДИЕВ, С. ТОШБОЕВ**

# ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

1

Сир эмаски, парламент Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги мажбуриятлари бажарилиши бўйича назорат функцияларини ҳам тобора кучайтирмоқда. Жумладан, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш ишлари миллий парламентимиз томонидан алоҳида назоратга олинган.

Шу билан бирга, Парламент дипломатияси концепциясини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолатини танқидий кўриб чиқиб, бу борада ишларни янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари томонидан хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган Парламент дипломатияси концепциясида чет давлатлар парламентлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш бўйича парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлиснинг фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш, давлатимиз ташаббусларини илгари суриш каби устувор вазифалар белгиланган.

Йиғилишда шу йил 6 август куни Туркманистон Республикасининг "Аваза" миллий туризм зонасида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз нутқидаги бир қатор ташаббуслар бўйича парламент олдида турган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор ва ортга қайтмас мазмун бахш этиш, "халқ дипломатияси" имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар ва медиа соҳани жалб қилиш ҳамда парламентаризмнинг юксалиб бораётган ролини эътиборга олган ҳолда, Тошкентда Минтақавий парламент форумини ўтказиш каби таклифларни ҳаётга татбиқ қилиш учун миллий парламент олдидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Муҳокамалар якунида Ўзбекистон Республикаси Парламент дипломатияси концепциясининг амалий истиқболларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).**

# НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

## РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРА ОЛАДИМИ?

*Микромолиялаштириш соҳасини ривожлантиришда халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги кўтарилгани сари микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради. Лекин бундай эҳтиёжни таъминлашга йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам қизиқиш билдиравермайди. Банкларнинг кредитлашдаги устун мавқеига қарамай, улар аҳолининг якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари, уй хўжалиги шароитида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар, камбағалликдан чиқиш учун тадбиркорликка қўл ураётган аҳоли қатламларини тўлиқ қамраб олмайди.*

### Микромолиялаш

Хусусий капитал устав фондининг асосий қисмини ташкил қилган тижорат банклари эса аксарият ҳолларда юқори даромадли йирик корхоналар ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатишни афзал билади. Бундан ташқари, йирик тижорат банкларининг кредитлаш борасидаги талаблари, хусусан, кафиллик талаб қилиши, юқори фоиз ставкалари, ортиқча расмиятчиликлар кичик бизнес ва кам даромадли аҳолининг улар хизматига бўлган қизиқишини сусайтиради.

Айни пайтда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган сиёсат банк-молия секторини ислоҳ қилиш орқали кредит ташкилотларининг молиявий оммабоплигини оширишга қаратилган. Бу борада тижорат банклари билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари (НКТ)ни ривожлантириш масаласи Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан ҳам ўрин олган. 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурида ҳам мазкур йўналишда аниқ вазифалар белгиланган.

Соҳага оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра, республикада 66 та микрокредит ташкилоти, 67 та ломбард ва 1 та ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти, жами 134 та нобанк кредит ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг активлари — 7,6 триллион сўм, жами капитали 824 миллиард сўмни ташкил этади.

Таққослаш учун: бугунги кунда Россияда — 4,3 мингта, Қозоғистонда — 720 та, Қирғизистонда — 400 та нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритади.

Бундай ҳолат тадбиркорликни молиявий ресурслар билан таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда нобанк кредит ташкилотларининг имкониятларидан деярли фойдаланилмаётганини кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, НКТ аҳоли ихтиёридаги бўш пул маблағларини жалб этиш ва уларни тадбиркорларга кредит сифатида тақдим қилишда тижорат банкларига нисбатан анча юқори мобилликка эга.

Иқтисодиётда микромолиялаштириш воситаларидан кенг фойдаланиш учун НКТга банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, тижорат банкларини микромолиялаштириш жараёнларига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамасдан, республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришда бир қанча муаммо ва тўсиқлар мавжуд.

Ҳозирги кунда микрокредит ташкилотлари фаолияти "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"-ги қонунлар ҳамда Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади. Ўз навбатида, ломбардлар фаолиятининг асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289 ва 894-моддаларида белгиланган бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас.

Демак, микромолиялаштириш қонунчилигини такомиллаштириш, соҳанинг энг самарали ва замонавий амалиётларини жорий қилиш талаб этилади. Бу борада, айниқса, масофадан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, хизматлар тақдим қилиш жараёнини соддалаштириш, аҳолида қарз ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, молиявий оммабопликни оширишда исломий молия тамойилларини жорий қилиб бориш НКТ ва микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантиришнинг энг долзарб вазифалари сифатида қаралиши лозим.

Жумладан, НКТ ташкил этилиши ва ривожланишини таъминлаш учун лицензиялаш тартиб-таомилларини соддалаштириш, таваккалчилик соҳаларини уларнинг имкониятларини мутаносиб равишда ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш механизмларини жорий қилиш муҳимдир. Айниқса, НКТнинг тегишли инфратузилмалардан фойдаланишдаги имкониятларини тижорат банкларига тенглаштириш ва бу борада тенг шароитларни яратишга қаратилган қулай норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш лозим. Бу эса нобанк молия хизматларига оид маҳсулот таклифлари, шакл ва турларини, жумладан, исломий молия хизматларини жорий этишнинг самарали ечимларини топишга шароит яратади.

Мутахассис сифатида мазкур вазифалар ижроси нафақат микромолиявий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг кредитлар бозорини ривожлантириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини ушбу бозорга жалб этиш масалаларида маълум даражада тижорат банкларига нисбатан рақобатни пайдо қилади, деган умиддамиз. Айнан рақобат банк молия соҳасида ривожланиши ортда қолаётган (аниқроқ айтганда, етишмай турган) жараёнлигини тан олган ҳолда айтиш керакки, НКТ ва микромолиялаш ривожланиши банк-молия соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришнинг "катализатор"и бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

**Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ҲОЛАТИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

1

Учрашувда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва нотинч давлатлардан олиб келинган ёки жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган аёллар ижтимоий мослашуви бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил сўз юритилди. Бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан эканлиги айтиб ўтилди.

Юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясида нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилган бўлиб, ўтган даврда ушбу йўналишда салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди.

Мулоқотда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатларининг хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги аҳамияти батафсил очиб берилди. Айни чоғда, мазкур қонунларнинг ижроси ва аёлларга нисбатан бўладиган зўравонликларнинг олдини олиш бўйича бажарилган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Тадбир давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда хотин-қизлар томонидан содир этиладиган трансмиллий жиноятларнинг олдини олиш, жазони ижро қилиш муассасаларидан озод этилган ҳамда нотинч минтақалардан қайтган хотин-қизларни қайта интеграция қилиш, жиноятга мойиллиги бўлган аёллар билан тизимли ишлаш каби долзарб масалаларни кўриб чиқди, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ушбу тавсиялар Олий Мажлис Сенати, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ва ЕХҲТга тақдим этиладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР БОЛА ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

*Янги Ўзбекистонда инсонни улуғлаш, "Боланинг бегонаси бўлмайди" деган тамойил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимизнинг яқинда имзоланган "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам мазкур сиёсатнинг амалдаги исботи бўлди.*

### Муносабат

Давлатимиз раҳбари 28 июль куни Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйини бориб кўрган вақтида ташрифдан мақсад улар тимсолида барча тарбияланувчилар учун шароитларни бундан-да яхшилаш, иложи борича, оиладагидек муҳит, тарбия ташкил қилиш, ҳамма билан тенг бўлиб таълим-тарбия олиши, олийгоҳларда ўқиб, касб эгаллаши, уй ва иш билан таъминланиб, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун имкониятлар яратиш эканлигини айтган эди.

Тўғри, юртимиздаги Меҳрибонлик уйларида шароитлар яхши. Лекин болалар билан якка тартибда ишлаш, уларни касбга йўналтириш талаб даражасида эмасди. Тарбияланувчиларнинг 18 ёшдан кейинги мустақил ҳаёти, олий маълумот олиши ва бандлигига кўмаклашувчи масъул идора йўқ эди. Шу боис давлатимиз раҳбари барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъуллигига ўтказиш таклифини билдирди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаси бор. Уларда 1 823 нафар ўғил-қиз яшаб, ўқимоқда. 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг 363 нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу муассасалар, синов тариқасида, Миллий гвардия масъуллигига ўтказилиши белгиланди. Болаларга ихтисослашган таълим бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича методика яратиш вазифаси қўйилди.

Қарор билан Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Болалар уйлари Миллий гвардияга бириктирилмоқда. Эндиликда Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари таркибидан Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари директорларининг биринчи ўринбосарлари тайинланади. Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига олий таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бириктирилади, якка кураш, от спорти, футбол, сузиш, теннис, шахмат каби спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил этилади. Болалар йилига 2 маротаба мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга олиб чиқилади, шунингдек, тиббиёт муассасаларида тиббий кўрикдан ўтказилади. Ҳудудий ҳокимликлар тарбия муассасаларини спорт анжомлари, 20 тадан компьютер, автобуслар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлайди. Шунингдек, Жамоат хавфсизлиги университети томонидан тарбия муассасалари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳар йили ўқув-тарбия муассасаларининг 25 нафар тарбиячиси касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул даволанади.

Олий Мажлис Сенатига тарбия муассасаларидаги болалар муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича "меҳр дафтари" тизимини ҳаётга татбиқ қилиш вазифаси юклатилди ва етим болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Қарорга кўра, 2021 йил 1 ноябрдан "меҳр дафтари"га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилади. Жамғарма маблағлари ҳомийлик, алкоголь маҳсулотлари улгуржи савдо корхоналари соф тушумининг 3 фоизи миқдоридаги ажратма (йиллик 85 млрд. сўм) ҳисобидан шакллантирилади.

Албатта, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни шу мақсадда қабул қилинди. Етим болаларга уй-жой ажратишнинг янги тизими ишга туширилмоқда. Унга кўра, уй-жойга муҳтож ва 18 ёшга тўлган етим бола учун майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, агар оилали бўлса, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали уй-жой ажратилади. Таъкидлаш жоизки, етим болаларга уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан, бироқ 30 ёшга тўлгунича уни сотиш, гаровга қўйиш, ижарага бериш, оила аъзоси бўлмаган шахсларни рўйхатга қўйиш ҳуқуқисиз берилади.

Кези келганда бир маълумотни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлар, 2011 — 2020 йилларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан 610 нафар етим болага уй-жой берилган. Ушбу уй-жойларнинг 147 таси жорий, 15 таси мукаммал таъмирга муҳтож, биттаси яшаш учун мутлақо яроқсиз ҳолатда ва 10 таси белгиланган ижтимоий нормаларга тўғри келмайди. Янада аниқроғи, ҳозирги кунда етим болаларга уй-жой бўш турган ётоқхона ва қаровсиз қолган уй-жойлардан ажратиб келинмоқда.

Қарор билан шу йил 1 декабрга қадар 757 нафар етим болага уй-жой ажратиш бўйича мақсадли параметрлар тасдиқланмоқда. Бу эса охирги 10 йилда берилган уй-жойлар сонидан 1,2 баравар кўп бўлиб, уй-жойларни харид қилиш учун тенг улушларда республика ва маҳаллий бюджетлардан жами 120 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Қарорда етим болаларнинг таълим олиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида қатор имтиёзлар назарда тутилган. Хусусан, ушбу тоифадаги тарбия муассасаларидаги болаларга нодавлат таълим ташкилоти ўқув курсларида олий таълимга тайёргарлик борасида 2 тагача фандан ўқиш харажати учун йилига 4,9 миллион сўмдан компенсация тўланади. Жумладан, 2021 йилда 2 минг 234 нафар болага 11 миллиард сўм тўланиши кўзда тутилган. Шунингдек, болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, васийликка олинган, 25 ёшдан ошмаган етим болалар Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчаси битирувчилари учун мўлжалланган қўшимча квотадан фойдаланади. Хусусан, 2019/2020 ўқув йилида 1 минг 405 та квота ажратилган бўлиб, 336 нафар чин етим ҳужжат топширган, уларнинг 81 нафари талабаликка тавсия этилган.

Янги тизим бўйича квотадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган етимлар сони 11 баробар (563 нафардан 62 минг нафаргача) ошиши кутилмоқда. Шунингдек, қарорга кўра, етим болалар учун 50 фоиз оширилган миқдорда стипендия тўланади, етим болалар "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида касб-ҳунарга ўқитилади. Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига 2 та психолог штати ажратилади, фарзандликка ёки васийликка олинган етим болалар давлат боғчалари ва мактабларига навбатсиз жойлаштирилади, етим болаларнинг хорижий давлатларда жарроҳлик амалиёти харажатлари тўлиқ миқдорда компенсация қилинади.

Бола тарбиясида оила бағрида бўлишнинг аҳамияти катта. Шу боис қарорда ногиронлиги бўлган етим болаларни васийликка олган оилаларга тўловлар 2,5 миллион сўмга етказилиши, соғлом етим болаларни васийликка ва ҳомийликка олганлик учун 1,2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик моддий ёрдам тўланиши белгиланди.

Ҳар бир инсон бахтли яшашга ҳақли. Бунинг учун у туғилган ва яшаётган мамлакатда унинг барча имкониятини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Ўзбекистон Президенти имзолаган ушбу ҳужжат ҳам ана шу кафолатни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

**Сарвар МАМАЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари, полковник.**

# КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

*Ҳар хил масала бўйича турлича фикрлайдиган одамзод аллақачон коррупция ҳар қандай тараққиёт йўлига ғов эканлиги ҳақида якдил фикрга келиб бўлган. Шу боис дунёдаги деярли барча давлатларда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда, шу жумладан, юртимизда ҳам.*

### Нуқтаи назар

Аввало, қисқа давр давомида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини айтиш зарур. Президентимизнинг жорий йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларга янгича суръат бағишлашга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 октябргача коррупция, манфаатлар тўқнашуви асосида тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорликда қатнашишининг ҳуқуқий оқибатларини белгиловчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Унда давлат органи ишида учинчи шахслар манфаатларини ноқонуний илгари суришга йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашуви ҳисобланадиган мансабдор шахслар ҳаракатлари ва бошқа муҳим жиҳатлар белгилаб берилади.

Шунингдек, 2021 йил 1 октябрдан барча давлат органи ва ташкилотлари, вилоят ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади. Улар зиммасига коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш каби вазифалар юклатилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, судлар томонидан 2020 йилда коррупция билан боғлиқ жами 2270 нафар шахсга нисбатан 1502 та жиноят иши кўриб чиқилган. Ички назорат тузилмалари бундай ҳолатларни вақтида аниқлайди ва бартараф этади. Шу билан бирга, айрим давлат хизматчилари томонидан йўл қўйиладиган таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик каби ҳолатлар олди олинади.

Аҳамиятлиси, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади. Бу тизимдаги ташкилот ва муассасалар бошқарув аппаратларидаги вакант лавозимларга очиқ танлов орқали истиқболли, янгича дунёқарашга эга мутахассислар саралаб олинади.

Қарорда тендер савдоларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни 2021 йил 1 августдан давлат харидлари соҳасидаги тендерлар натижалари очиқ эълон қилиниши белгиланган. Тендерлар натижалари тўлиқ очиқланишидан кўзланган асосий мақсад эса уларнинг коррупциядан холи тарзда ўтказилишини таъминлаш ҳамда тендер жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Муҳими, бу орқали давлат харидлари соҳасида ўтказиладиган тендерларда соғлом рақобат муҳити шакллантирилади.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2021 йил 1 декабрдан ҳар йил якуни бўйича коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон қилиб борилиши белгиланди.

Эндиликда ҳар бир давлат органи ва ташкилоти, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари тизимли мониторинг ва таҳлил қилиб борилади. Ўрганиш натижаси асосида уларнинг соҳадаги фаолияти бўйича рейтинг шакллантирилади.

Коррупциядан катта зиён кўрадиган соҳалардан бири капитал-қурилиш соҳаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис қарорда ушбу йўналиш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳам белгилаб берилган. Яъни 2021 йил 1 октябргача давлат маблағи ҳисобига қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган танлов, "Шаффоф қурилиш" тизими маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда амалга оширилиши белгиланди.

Агар 2018-2019 йилларда республика бўйича шу соҳа билан боғлиқ 973 та жиноят иши қўзғатилиб, 1233 нафар шахс жавобгарликка тортилганини ҳисобга олсак, бу қадам қанчалик муҳимлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Зеро, бу каби жиноятлардан нафақат давлат катта зиён кўради, балки одамларда давлат органларига бўлган ишонч сусаяди.

Умуман, бу қарор мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, шу орқали ҳар томонлама қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда юртимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини юксалтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Арзиқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **$197^{1}$-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса»;

**санкциясидаги** «юз бараваридан бир юз эллик бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача» деган сўзлар «тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **$229^{1}$-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахсга нисбатан, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

3) қуйидаги мазмундаги **$229^{6}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$229^{6}$-модда. Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш**

Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ерларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан, агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда; № 5, 296-модда; № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) **345-моддасининг бешинчи қисмидаги** «243» рақами «$229^{6}$, 243» рақамлари билан алмаштирилсин.

**4-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **60-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш,–

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса – уч юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади»;

2) **$60^{1}$-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **65-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **67-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **68-модда**:

**номидаги** «**Хўжалик ичидаги**» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмининг**:

**ўзбекча матнидаги** «тузилиши» деган сўз «тузиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

**санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари, мансабдор шахсларга эса – беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **$68^{1}$** ва **69-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«$68^{1}$-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса – ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**69-модда. Чегара белгиларини, геодезик пунктларни ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш**

Эгаликдаги, фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, геодезик пунктларни ва ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **99-модданинг ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

8) **101-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган бинолар ҳамда иншоотларни электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминоти ташкилотлари томонидан электр, иссиқлик ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **160-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«160-модда. Уйларни қуриш қоидаларини бузиш**

Уйларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиш,–

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **163-модда**:

**диспозицияси** «Водопровод тармоқларига» деган сўзлардан кейин «(сув таъминоти тармоқларига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**санкциясидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган биноларни водопровод (сув таъминоти) ташкилотлари томонидан водопровод тармоқларига (сув таъминоти тармоқларига) улаш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) **$163^{1}$-модда**:

**диспозицияси** «канализация тармоқларига» деган сўзлардан кейин «(оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган бинолар ва иншоотларни ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан канализация тармоқларига (оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига) улаш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

12) **245-модданинг**:

**биринчи қисмидаги**:

«$59^{1}$, 60, $60^{1}$» рақамлари «$59^{1}$-моддаларида, 60-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида)» деган сўзлар «100-моддаларида, 101-моддасининг биринчи (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида) ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«160-моддасининг биринчи қисмида, $160^{1}$» деган сўзлар «160, $160^{1}$» рақамлари билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар «бундан ушбу Кодекс 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, $60^{1}$, 65, 68, $68^{1}$, 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **$245^{7}$-модданинг биринчи қисмидаги** «65, 66, 67, 68, 69-моддаларида (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «$159^{1}$-моддасида, 160-моддасининг иккинчи қисмида, 168-моддасида» деган сўзлар «$159^{1}$, 168-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **$266^{1}$-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«$266^{1}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органларига ушбу Кодекснинг 60-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, $60^{1}$-моддасида, 68-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари мустасно), $68^{1}$-моддасида ва 69-моддасида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларининг чегара белгиларига оид қисми мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари»;

17) қуйидаги мазмундаги **$266^{2}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$266^{2}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органларига ушбу Кодекснинг 65, 68-моддаларида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисмида) ва 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегара белгиларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига» деган сўзлар «қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошисидаги** «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига» деган сўзлар «қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда, 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов якунларини тасдиқлаш;

ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш;

кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини умумий фойдаланиш (нотижорат мақсадларда) учун кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

дипломатик ваколатхоналарга ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ушбу ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатлари соҳасидаги қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт»;

(Давоми 5, 6-бетларда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 4-бетларда).

2) **6-модданинг тўртинчи – ўн учинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи – еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномасини тузиш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш»;

3) **7-модданинг тўртинчи – ўнинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи – еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномасини тузиш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш»;

4) **9-модда**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади, суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ амалга оширилади»;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза этилади»;

9) **17-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар ушбу Кодексга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларига фақат ижара ҳуқуқи асосида эга бўлиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 18-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг 2021 йил 1 августга қадар ер участкаларига нисбатан юзага келган доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқлари ўз кучида қолади, бундан ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ҳоллар мустасно.

Юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштиришга ҳақли»;

10) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келади»;

11) **19-модда** чиқариб ташлансин;

12) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «20-модда. Ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкалари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга берилади. Ерларнинг мўлжалланган асосий мақсадига мувофиқ:

яйловлар билан банд бўлган ерлар;

саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;

ўрмон фонди ерлари;

сув фонди ерлари;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, ер фондининг бошқа тоифадаги ерлари фойдаланишга берилиши мумкин.

Кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси, шунингдек кўп квартирали уйга туташ ер участкаси, агар у кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқача тарзда тегишли бўлмаса, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида умумий фойдаланишга берилади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим»;

13) **22-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «22-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши

Корхонага, бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар банд этган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя қилиш ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсларга ўтган тақдирда, ушбу иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк банд этган ер участкасига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишли шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарига ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи ёхуд янги ижарага олувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳамда ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш, ижара (ижара шартномасининг амал қилиш муддатига) ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мулкнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқарув ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган тақдирда эса ер участкасининг бўлиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва кейинчалик ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи давлат рўйхатига олинади ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги тегишли кўчирмалар берилади»;

14) **23-модданинг**:

**биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), доимий фойдаланиш учун ва ижарага бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) мулк қилиб бериш (реализация қилиш) – қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, шу жумладан якка тартибда уй-жой қуриш ҳамда уй-жойни ободонлаштириш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион воситасида;

2) доимий фойдаланишга бериш – ушбу Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолларда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан;

3) ижарага бериш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, шунингдек электрон онлайн-аукцион воситасида.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) ушбу Кодексда белгиланган тартибда фақат шу ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади»;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), улардан доимий фойдаланиш ва уларни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

15) **24-модданинг**:

**иккинчи – олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи – ўн иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қуйидагиларга ижара ҳуқуқи асосида берилади:

1) вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг очиқ электрон танлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан – жисмоний ва юридик шахсларга;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига кўра – давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига;

ер участкаси норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ миқдордаги пул маблағлари депозитга қўйилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимининг таклифига кўра – агросаноат кластерларига;

қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга. Бунда бериладиган ер участкасининг ўлчами инвестиция ҳажмига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қуйидагиларга ижара ҳуқуқи асосида берилади:

электрон онлайн-аукцион асосида – жисмоний ва юридик шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга. Бунда берилаётган ер участкасининг ўлчами инвестиция ҳажмига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага берилади. Мазкур шахслар (бундан халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар мустасно) ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги бозор қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаши керак.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларининг ижарасига оид шартнома туман (шаҳар) ҳокими билан тузилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, бундан ушбу Кодекснинг $24^{2}$-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи фақат кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўз ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақли.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ҳамда шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ушбу Кодекснинг $46^{1}$-моддасида белгиланган ўлчамларда ўттиз йил муддатга ижарага берилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни ижарага бериш муддати юз йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ер участкалари йигирма беш йилгача бўлган муддатга ижарага берилади»;

**еттинчи – ўнинчи қисмлари** тегишинча **ўн учинчи – ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) **$24^{1}$-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «$24^{1}$-модда. Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларининг ижараси

Давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши мумкин. Бунда қуйидаги ерлар уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин:

қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари – жисмоний ва юридик шахсларга.

Ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга ўттиз йил муддатга, ушбу Кодекснинг $46^{1}$-моддасида белгиланган ўлчамларда ижарага берилиши мумкин.

Давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига – хусусий шерикка;

ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномаларнинг амал қилиш муддатига – нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига;

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бошқа юридик шахсларга ижарага берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

17) **$24^{3}$-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «$24^{3}$-модда. Ер участкасини унга бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда вақтинча фойдаланишга бериш

Деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади»;

18) қуйидаги мазмундаги **$24^{4}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$24^{4}$-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокими ва ижарага олувчи ўртасида тузилган ер участкасининг ижарасига оид шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси томонидан белгиланган тартибда электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда очиқ ҳолда эълон қилинади»;

19) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «27-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини реализация қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун 0,04 гектаргача ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали мулк ҳуқуқи асосида реализация қилинади.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишда ер участкаларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш шартлари назарда тутилиши керак»;

20) **32-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **34-модда** чиқариб ташлансин;

22) **36-модда**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 – 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни очиқ танлов ва электрон онлайн-аукцион якунлари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартириш йўли билан бекор қилишга ҳақли эмас, бундан ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

23) **44-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи – олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дарахтлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг хулосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда уларга тупроқ унумдорлиги пасайишига олиб келадиган тарзда усуллар билан ишлов бериш ёки уларнинг шикастланишига олиб келувчи бошқа усулларни қўллаш тақиқланади»;

24) **45-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тупроқ унумдорлигига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди»;

25) қуйидаги мазмундаги **$45^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$45^{1}$-модда. Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари

Қонунчиликка мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидир.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари белгиланган тартибда давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун бериш фақат бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ҳисобидан амалга оширилади»;

26) **46-модда:**

**биринчи қисмининг**:

**1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек бошқа юридик шахсларга – товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун»;

**5** ва **6-бандлари** чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

27) қуйидаги мазмундаги **$46^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$46^{1}$-модда. Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ажратиладиган ўлчамлари

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қуйидаги ўлчамларда ажратилади:

1) деҳқон хўжалигини юритиш учун – 0,06 гектардан 1 гектаргача;

2) фермер хўжаликларига ва бошқа юридик шахсларга:

сабзавотчиликка ихтисослашганларга – камида 3 гектар;

боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга – камида 3 гектар;

чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларни етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) – суғориладиган ерлардан – камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – камида 2 гектар;

пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганларга – камида 30 гектар;

ғаллачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашганларга – камида 10 гектар;

3) агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерлар учун:

пахтачилик-тўқимачиликка ихтисослашганларга – камида 2000 гектар;

ғаллачиликка ихтисослашганларга – камида 1000 гектар;

сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашганларга – камида 200 гектар;

(Давоми 6-бетда).

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2021 йил 17 август

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 4, 5-бетларда).

боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашганларга – камида 100 гектар;

чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларини етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) суғориладиган ерлардан – камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – камида 2 гектар»;

28) **54-модда** чиқариб ташлансин;

29) **55-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекс 24-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида белгиланган тартибда қабул қилинади»;

30) **56-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**56-модда. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган ер участкалари**

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади. Улардан уйлар ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга қонунчиликда белгиланган тартибда рухсат берилиши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун берилган ерлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгиланади»;

31) **57-модда** чиқариб ташлансин;

32) **62-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун, шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш учун ушбу Кодексда белгиланган тартибда берилади»;

33) **80-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонунчиликда белгиланадиган тартибда табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади».

34) **12-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**12-боб. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат**»;

35) **83-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**83-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари**

Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари қонунчилик талабларига жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан риоя этилишини таъминлашдан иборатдир»;

36) қуйидаги мазмундаги **$83^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$83^1$-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати**

Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширмасликка, ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаб олишга ёки уларнинг чегараларини ўзгартиришга, ерларнинг тоифасидан қатъи назар, барча турдаги бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуришга йўл қўймаслик устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди.

Махсус ваколатли давлат органлари ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ зарур статистик ахборотни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотни, қарорларни ҳамда бошқа ҳужжатларни, шу жумладан очиқ танловларга ва электрон онлайн-аукционларга тааллуқли ахборотни давлат органлари ва ташкилотларидан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан беғараз асосда сўраш ва олишга ҳақли.

Давлат органлари, ташкилотлари ва мансабдор шахслар сўралаётган ахборотни махсус ваколатли давлат органларига беш иш куни ичида тақдим этиши керак»;

37) **84-модда**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**84-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назорати**»;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ер участкаларини ажратиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширишга ҳақли»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи – бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи – тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш, улардан тегишли ҳужжатларда кўрсатилган нормалардан ортиқча тарзда ғайриқонуний тарзда фойдаланиш, қонунга хилоф объектларни ва иншоотларни қуриш ҳоллари, ер муносабатлари соҳасидаги суиистеъмолликлар тўғрисида фото- ва видеоёзув техникасидан фойдаланилган ҳолда тасдиқланган хабарлар учун жамоатчилик назорати субъектлари рағбатлантирилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектларини рағбатлантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

38) қуйидаги мазмундаги **$91^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$91^1$-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш оқибатлари**

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш учун ажратилмаган ер участкасида қонунга хилоф қурилиш объектини барпо этган шахслар инсофли мулкдор деб тан олинмайди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер учаскаларидаги қонунга хилоф қурилиш объектларини сув таъминоти, оқова сув, электр, иссиқлик энергияси ва газ тармоқларига улаш тақиқланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган **«Давлат ер кадастри тўғрисида»**ги 666–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 432-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг номи** ва **биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ер кадастрини юритиш қуйидагилар орқали таъминланади:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг тегишли бўлинмалари томонидан бажариладиган аэрокосмик суратлар олишни, топография-геодезия, картография тадқиқотларини амалга ошириш, ерларни инвентаризациядан ўтказиш, ерларни миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш;

ерларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ерларни инвентаризациядан ўтказиш материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотига оид маълумотлар банкларини яратиш ва сақлаб туриш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ер кадастрини юритиш қуйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастрга оид суратга олиш;

ер участкаларининг эгаларидан, улардан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ва ер участкаларининг мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрига доир ҳужжатларга жорий ўзгартишлар киритиш.

Давлат ер кадастрини юритишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотлар;

ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Давлат кадастрлари тўғрисида»**ги 171–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **10-моддаси биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модда иккинчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари»;

2) **$73^2$-модданинг биринчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–303-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 273-модда; 2017 йил, № 8, 383-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

**еттинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (бундан буён матнда Кадастр агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **9-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг**» деган сўзлар «**Кадастр агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **14-модданинг биринчи, учинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **17-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Экологик назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–363-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **тўртинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова) **27-моддасининг биринчи қисми 2-бандидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Яйловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–538-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4) **29-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–552-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 463-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) **243-моддасининг 16-бандидаги** «ер ресурслари ва давлат кадастри» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми**:

**37-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«41) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари – ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича»;

2) **9-модданинг биринчи қисми**:

**22-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **27-банд** билан тўлдирилсин:

«27) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари – ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича»;

3) **илованинг**:

**4-банди «м» кичик банди изоҳидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» деган сўзлар «Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**36-банди** чиқариб ташлансин.

**17-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган **«Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–626-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»**ги ЎРҚ–635-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 492-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модданинг**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **45-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда**. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**21-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 6-моддасининг 36, 37 ва 38-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 август
№ ЎРҚ—708

# ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ТУЗИЛМА

*Давлатимиз раҳбари белгилаб берган тизим асосида кўплаб давлат органларида бўлгани сингари прокуратура органларида ҳам “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган концептуал ғояни том маънода рўёбга чиқариш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга бугунги кунда прокурорлар фаолиятига жавобгар қилинган шахслар сонига қараб эмас, балки аҳоли муаммоларини ҳал қилиш даражаси, фуқаролар мурожаатларини қонуний ҳал этиш аҳволи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўрилган чораларга қараб баҳо берилаётганлиги ҳам яққол мисол бўла олади.*

*Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда прокуратура органлари жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтиришда, ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ўзига хос ёндашувларга асосланмоқда. Кўплаб норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳа фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда фуқаролар прокуратурага жазоловчи орган сифатида эмас, балки ўз ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида қарай бошлашди.*

## Сектор фаолиятига бир назар...

Бош прокурор раҳбарлигидаги прокуратура тизимининг яхлит тузилма сифатидаги фаолияти бугунги кундаги ислоҳотлар мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларигача етиб боришини таъминлашдан иборат. Шу боис прокуратура органлари ходимлари меҳнат фаолиятининг салмоқли қисми пастга тушиб, уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланмоқда.

Бу борада Президентимиз томонидан белгилаб берилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар фаолияти ўзининг ижобий самарасини бераётгани ҳам эътиборга молик ҳолат.



### Одамларни рози қилиш, бу — бахт!

Бошқарувнинг ихчам ва самарали усулларини қўллаш орқали узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга ҳоким, прокурор, ички ишлар ва солиқ органи бошлиғи раҳбарлигидаги секторларда тез фурсатда ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугунги кун раҳбаридан ўз мутахассислиги ва касбидан ташқари, ижтимоий-иқтисодий соҳага доир билим ва кўникмага, ўзгаларга ўрнак бўладиган фазилатларга эришиш талаб этилади. Албатта, бунинг масъулияти ва жавобгарлиги залворли.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик мезони бўлиши лозим”.

Жамиятда турли касб эгалари мавжуд. Бироқ Аллоҳ таоло халқни рози қилиш, унинг мушкулини осонлаштириш, яхши кайфият улашиш имконини бошқалар қаторида прокуратура органларига ҳам тортиқ қилган, десак, хато эмас.

Биргина прокуратура ташаббуси билан Нишон туманидаги Самарқанд маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари маҳаллий аҳолини том маънода ободончиликка, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга, шахсий томорқа хўжалигидан самарали фойдаланишга ундаб, асосийси, одамларга кўтаринки кайфият бағишлашга, уларнинг ҳаётдан мамнун яшашларига сабаб бўлмоқда.

Энг муҳими, халқимиз дуога қўл очиб, кўрсатилган ёрдамдан кўнгли кўтарилиб, бажарилган ва қилинажак ишлар самараси зиёда бўлиши учун ҳисса қўшишга интилмоқда. Мамлакатимиздаги митти қалб эгалари ҳам ўз давлати эътиборидан четда эмаслигини ҳис этаётир.

Халқни рози қилиш бахти ҳам ана шунда!

### Камбағаллик тушунчаси ўтмишга айланади

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида илк бор камбағаллик ҳақида фикр юритиб, сектор раҳбарларига уни камайтиришга астойдил ҳаракат қилишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Оғир вазиятга тушиб қолган ҳамюртини қўллаб-қувватлаш азал-азалдан халқимизга хос хусусият. 2020 йилда бошланган пандемия бутун дунё давлатлари иқтисодиётига салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу борада елкама-елка ҳаракат қилиш жоизлиги назарда тутилиб, давлатимиз раҳбари томонидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ташаббуси илгари сурилди.

Ўтган даврда прокурорлар секторларида эҳтиёжманд оилаларнинг муаммосини “темир дафтар”га киритган ҳолда ҳал этиш чоралари кўрилди. Бунда уларни тадбиркорликка жалб қилган ҳолда, доимий моддий даромад топишларига кўмаклашиш орқали камбағалликдан чиқаришга эътибор қаратилди.

Бир эҳтиёжманд ишли ва даромадли бўлса, бундан оиласи, яқинлари, қўни-қўшниси ҳам наф кўради. Ишли, даромади тайин оилада муаммо бўлмайди. Йўқчилик, бекорчилик инсонни, ҳатто жиноят содир этишга ҳам ундайди. Буюк француз ёзувчиси, шоир Виктор Гюго айтганидек, “Ялқовлик — она. Унинг ўғли — ўғрилик, қизи эса очликдир”.

Халқимизда “Қовун қовундан ранг олади” деб айтилиши ҳам бежиз эмас. Ўтган даврда прокуратура органлари ташаббуси билан ишсиз ва даромадсиз қолган “темир дафтар”даги 18 минг 193 та оилага 7,1 миллиард сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, 1 минг 129 та чорва моли тарқатилди, 18 минг 366 нафар эҳтиёжманд оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Мисол учун пандемия даврида оғир аҳволга тушиб қолган Касби туманида яшовчи Д. Бердимуродовага субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Ҳозирда унинг оиласи шахсий эҳтиёжидан ташқари полиз маҳсулотларини бозорда сотиб, даромад топмоқда. Энг муҳими, эндиликда ушбу оилада камбағаллик тушунчаси муомаладан чиқди.

Ҳар бир инсон дунёга келар экан, яхши шароитда яшашни, бахтли ҳаёт кечиришни истайди. Бироқ ижтимоий муаммолар сабаб ҳар доим ҳам бунга имкон бўлавермайди. Қарши туманида яшовчи Элмира Абдувалиева ҳам шундай аёллар тоифасидан эди. “Темир дафтар” жорий этилгунига қадар у нураб қолган уйда яшаган. Сектор раҳбарининг ташаббуси билан унга яшаш ҳовлисида уч хонали уй қуриб берилди.

Камбағаллик деган тушунча бора-бора халқимиз онгида ўтмишга айланади. Асосий мақсадимиз ҳам, аслида, шу. Бунинг учун биздан халқ дарди билан ёниб яшаш талаб қилинади. Шундагина меҳнатсевар халқимиз билан юксак марраларни забт эта оламиз. Айни шу масала кун тартибимизнинг асосий қисмига айланган, десак, айни ҳақиқат.

### Ёшлар — миллат келажаги, аёллар — оила устуни

Биз юқорида таъкидлаган “темир дафтар” жамиятнинг бошқа муҳим соҳаларида манзилли ишлаш бўйича ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшлар билан ишлаш, оила устуни бўлмиш хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” жорий этилган.

Шу йилнинг 1 июль ҳолатида прокурорлар секторидаги 11 минг 43 нафар ёшнинг, 7 минг 826 нафар хотин-қизнинг турли масалалардаги муаммоларига ечим топилди. Бу орқали униб-ўсиб келаётган авлоднинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, аёлларнинг оиладаги маиший муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилди.

Масалан, Ғузор туманида яшовчи М. Ёдгоровага тикувчиликни йўлга қўйиши учун бўш бино ва кредит ажратилишида ёрдам кўрсатилди. Натижада унинг ўзи ва 5 нафар тенгқури ишли бўлди. Энди у давлат кўмагига муҳтож эмас, кўрсатилган ёрдам ҳисобига эса яна 4 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш истагида.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг таълим ва тарбиясини мустаҳкамлашда Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ҳам ўз самарасини бермоқда.

Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестиваль ҳам навқирон авлодга ўзгача руҳ бағишлади.

Маърифатпарвар бобокалонимиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари айни ҳақиқат эканини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Аёл оила устуни сифатида турмуш ўртоғига маслакдош, бола тарбиясига бош-қош бўлади. Агар унинг ижтимоий муаммоларига ечим топилмаса, оила бора-бора парокандаликка юз тутади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шу боис “аёллар дафтари” бўйича ишларни ташкиллаштиришда уларни ишга жойлаштириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тураржой билан таъминлаш, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратдик.

Мисол учун муборaклик М. Равшанова чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, натижаси бўйича унга ногиронлик гуруҳи тайинланди. Ҳозир у нафақа кўринишида давлатдан кўмак олмоқда.

Умуман, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, бу каби фуқаролар эътибордан четда қолмайди. Ҳукумат ҳар бир фуқаро-



нинг дарду ташвишларини ҳал қилиш чораларини кўриб боради. Ўз навбатида, прокурорлар ўз секторларида ушбу эзгу ташаббусларни рўёбга чиқариш билан машғул.

Зеро, энг бахтли киши, бу — ўз уйида бахтли бўлган инсондир!

### Юрт ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади

Йил бошидан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини самарали ташкил этиш масаласи прокуратура органларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Лойиҳадан бошлаб қурилиш ишларининг якунигача бўлган жараён электрон дастур ва шаффоф механизмлар асосида назорат қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, дастурга киритилмаган 16 та маҳалла прокурорлар ташаббуси билан танлаб олиниб, ободонлаштириш ишлари уюштирилди.

Ўтган даврда ушбу маҳаллаларда ҳомийлар ва ташаббускорлар ҳисобидан 5 минг 324 та объект ободонлаштирилди, маҳаллалар ҳудуди 29 минг 826 туп экин билан кўкаламзорлаштирилиб, маҳалла осойишталигини таъминлаш мақсадида 348 та ёритиш чироғи ва 140 та кузатув камераси ўрнатилди.

Шунингдек, 9 та маҳалла бинолари ва 56 километр ички йўллар таъмирланди.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ишлар салмоғини рақамларда эмас, маҳалла аҳлининг қувонч тўла кўзларидан ҳам кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати, одамлар обод хонадон, обод кўча ва обод маҳалладагина ривожланиш бўлишига ишонч ҳосил қилишмоқда.

Бунда эса, энг аввало, кўнгил ободлиги муҳим аҳамиятга эга.

### Бюджет маблағларини сарфлашда тежамкор усуллардан фойдаланиш мумкин

Маълумки, бюджет манбаси халқ даромадлари натижасидир. Унинг ҳар бир сўмини мақсадли сарфлаш виждон олдидаги бурчимиз ҳам ҳисобланади.

Ўрганиш ва таҳлилларимиз натижасида аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ҳамда маблағларни йўналтиришда тежамкор усулларни қўллаш мақсадида “Маҳаллий бюджет манбалари ҳисобига ижтимоий мақсадга йўналтирилган қурилишларни ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича тартиб” ишлаб чиқдик.

Мазкур тартибга кўра, ҳар бир сектор раҳбари ўз маҳалласидаги эҳтиёжманд аҳолининг тураржойлари, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини таъмирлаш бўйича рўйхатни шакллантириб, маҳаллий Кенгаш ва ҳокимлик ишчи гуруҳига тақдим этади. Объектлар қурилиши учун керакли маблағ аниқлангач, маҳаллий Кенгаш қарори асосида фақат қурилиш материалларини харид қилиш учун маблағ ажратилади.

Қурилишда ҳокимлик буюртмачи, ободонлаштириш бошқармаси эса пудратчи вазифасини бажаради. Қурилиш ишлари жамоатчилик асосида жалб этиладиган ишчилар, кўнгилли ҳашарчилар томонидан амалга оширилиши ва ишчиларга иш ҳақи Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан тўланиши назарда тутилганлиги сабабли, меҳнат ресурслари ҳисобига маҳаллий бюджет маблағи иқтисод қилинади.

Хусусан, Муборак туманидаги 14 та кўп қаватли уйни таъмирлаш учун дастлаб қиймати 1 миллиард 300 миллион сўмлик лойиҳа ҳужжати тайёрланган. Ишлаб чиқилган тартиб асосида фақат қурилиш материаллари учун туман маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисмидан 940 миллион сўм маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари ташкил этилди. Натижада маҳаллий бюджет маблағининг 360 миллион сўми иқтисод қилинмоқда.

Орттирилган маблағ яна бир хайрли ташаббусга йўналтирилади. Яъни кимнингдир оғири енгил қилинади.

### Тадбиркорликни ривожлантиришда янгича ёндашув

Тадбиркорлик, бу — янги иш ўрни, мунтазам солиқ тушуми, камбағалликни камайтиришнинг бирдан-бир ечими демакдир.

Бу соҳа ҳам таҳлилий фикрлашни, замонга ҳамнафас бўлишни, кўплаб мутахассислар билан тажриба алмашишни талаб этади. Айниқса, муайян соҳага ихтисослаштирилган ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик кўникмаларини оширишда бу ўта муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллабай ишлаш тизими ҳам секторлар фаолиятида тадбиркорлик ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги замон тадбиркорлик соҳасида етти эмас, етмиш марта ҳисоб-китоб қилишни талаб этади. Бу борада ўтказиладиган учрашувларда ҳам ташаббускорлардаги янгича фикрлаш, янгича дунёқарашни кўриб, лол қолади киши. Уларга кредит ёки ер таклиф қилиш билан чекланмасдан, даромадию харажатигача ҳисоб-китобга эга бўлиш лозим.

Шу боис ҳам Қашқадарё вилоятидаги прокурорлар секторида янги тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу гуруҳлар томонидан жорий йилда жами 422 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг 134 таси ишга туширилди, натижада 526 та янги иш ўрни яратилди.

Ўтказилган хатловда аниқланган 122 та янги ер участкаси бўйича инвестициявий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, аукцион савдолари орқали сотилди, 5 минг 79 та субъектга 121 миллиард сўм кредит ажратилишига кўмаклашилди, жорий йилнинг ўтган даврида 2 минг 21 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, ушбу ишчи гуруҳлар тадбиркорлик йўналишидаги ташаббускорлар учун лойиҳалар фабрикаси ролини ўтамоқда.

Фаолиятимизнинг бир неча йўналиши ҳақида гапирар эканмиз, олдимизда улкан марралар турганини ҳис қиламиз. Халқимиз олдидаги масъулиятни теран англаймиз. Одамларни рози қилиш, халқ дарди билан яшаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш каби эзгу мақсадимизни рўёбга чиқаришга ҳар куни бел боғлаймиз.

Зеро, халқ билан ҳамнафас эканлигимиз ҳақидаги баҳони фақатгина олижаноб халқимиз беради.

**Эркабой ТОЖИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти прокурори.**

ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли солиқ тўловчилар!

**Тадбиркорлик субъектларининг таклифларига мувофиқ, йиллар давомида (3 йилдан ортиқ) фаолиятини амалга оширмаётган хўжалик субъектларини соддалаштирилган тартибда давлат реестридан чиқариш тадбирлари кўрилмоқда.**

**Давлат реестридан чиқариладиган тадбиркорлик субъектлари рўйхати билан Давлат хизматлари агентлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ҳавола орқали танишишингиз мумкин.**

**(https://fo.birdarcha.uz/notification/simple_liquidation)**

Фаолиятини қайта тиклаш истагида бўлган хўжалик субъектларининг таъсисчи ва раҳбарлари 2021 йил 20 августга қадар рўйхатдан ўтган ҳудудидаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилишлари лозим.

**Қўшимча саволлар бўйича солиқ тўловчининг шахсий кабинети, Давлат солиқ қўмитасининг Call-маркази — 1198 ҳамда 71-202-32-82 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

Ташкилот маълум қилади.

**2021 йил 17 июлдаги тендер комиссиясининг баённомасидан кўчирма:**

Тендер комиссияси қарор қилади: 1-тоифали (категорияли) музлатилган мол гўшти (яримтанали ва/ёки нимтанали) ГОСТ 34120-2017 ҳамда «Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент (22.01.2018 й. 36-сонли ВМҚ) маҳсулотини тендер таклифларининг нарх қисмини очиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда:

**3-лот тендер ғолиби**
«STAR CASINGS» МЧЖ эълон қилинсин
(1-тоннаси 45 400 000,0 сўм);

**4-лот тендер ғолиби**
«BUKHARIAN TIMES» МЧЖ эълон қилинсин
(1-тоннаси 45 800 000,0 сўм);

**5-лот тендер ғолиби**
«MAX MEAT BREEDING» МЧЖ эълон қилинсин
(1-тоннаси 45 500 000,0 сўм);

**6-лот тендер ғолиби**
«Самкат Зоир Сервис» МЧЖ эълон қилинсин
(1-тоннаси 45 300 000,0 сўм);

**7-лот тендер ғолиби**
«SHOXRUZ KELAJAK TAYYORLOV» OK эълон қилинсин
(1-тоннаси 44 498 100,0 сўм).

Tashkilot ma’lum qiladi

**2021-yil 11-iyunda o‘tkazilgan savdolar natijalariga ko‘ra mahsulot etkazib berish bo‘yicha e’lon qilingan 1-sonli lot 1-navli grechka yormasining tanlov savdolari amalga oshmagan, deb topildi.**

2021-yil 11-iyundagi tanlov komissiyasining bayonnomasidan ko‘chirma:

**Tanlov komissiyasi qaror qiladi:**

«Davlat xaridlari to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 54-moddasiga asosan, 1-sonli lot 1-navli grechka yormasini sotib olish bo‘yicha tanlov amalga oshmagan, deb topilsin.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги

РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ

**нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун ҳужжатларни қабул қилиши ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш курсига 2021 ўқув йили учун ҳужжатларни қабул қилишни 2021 йилнинг июль ойидан бошлаганлигини эълон қилади. Ҳужжатлар 2021 йилнинг 30 августига қадар қабул қилинади.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

— марказ директори (комиссия раиси) номига ариза (аризада талабгорнинг қайси тилда таълим олиш истаги кўрсатилади);

— паспорт нусхаси;

— маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;

— 3,5х4,5 см. ҳажмдаги икки дона фотосурат;

— нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома (агар талабгор юридик шахс бўлса).

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига келиб ёки почта ёхуд info@sudex.uz электрон почта орқали сифатли (кўринарли, яхши ўқиладиган) даражада тақдим қилишлари (суҳбат жараёнида ҳужжатларнинг асли кўрсатилади) лозим.

Қабул комиссияси томонидан (ўзбек ёки рус тилида) суҳбат 2021 йил сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази биноси (Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Фарғона йўли кўчаси)да ўтказилади.

**Ўқиш олти ойдан (24 ҳафта) кам бўлмаган муддатда ташкил этилади.**

*Ўқиш учун тўлов миқдори ўқув жараёни анъанавий таълим шаклида ташкил этилганда, амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 (қирқ беш) баравари миқдорида, масофавий таълим шаклида ташкил этилганда эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирқ) баравари миқдорида амалга оширилади.*

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 71-209-11-55 (ички — 190). Электрон манзил: info@sudex.uz

# МИЛЛАТИМИЗНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

## Спортчи ёшлар ҳар доим халқимиз ва давлатимиз эътиборидадир.

### ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМДАН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

**Сабоҳат ЖАЛОЛОВА, Олимпия ўйинлари ғолиби Баҳодир Жалоловнинг онаси:**



— Она фарзанди қаерда бўлмасин, доимо қўли дуода бўлади, унинг бахтини, омаду муваффақиятини сўрайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўғлим Баҳодир Жалолов Токиода ўтган мусобақада қатнашар экан фақат унга омад тилаб, дуода бўлдим.

Шукрки, ўғлим ўз ғалабаси билан юртимизни, халқимизни улуғлади ва мен каби оддий қишлоқ аёли — онасининг қалбини осмон қадар юксалтирди. Албатта, эзгу мақсади сари интилишдан, ўз устида ишлашдан тўхтамаган ҳар қандай спортчига мусобақаларда омад кулиб боқаверади. Ўғлимдан қиёс, у ҳам орзу-ниятлари рўёби учун астойдил киришди, тинимсиз меҳнат қилди. Спортсеварлиги, мақсад сари қатъий интилиши унинг ютуқлари гарови бўлди.

Баҳодирнинг барча жангини биз, оиламиз аъзолари қатори унинг мухлислари олис Сариосиёда, хонадонимизда зўр ҳаяжон билан кўрдик, кузатдик. Ва ниҳоят, ўғлим Баҳодир Олимпия ғолибига айланди. Албатта, ўша дамдаги қалб кечинмаларимни сўз билан айтиб, изоҳлаб беришим қийин.

Президентимиз Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчилар ва уларнинг ота-онаси, мураббийлари билан учрашгани менинг хотирамда ёрқин лаҳзаларни муҳрлаб қўйди. Давлатимиз раҳбари олтин ва бронза медалини қўлга киритган ғолиб спортчиларни номма-ном табриклаб, биз, ота-оналарга миннатдорлик изҳор этди.

Айтинг-чи, бир оддий аёл, она учун бундан ортиқ бахт борми? Халқнинг олқиши, дуоси, ҳурмат-эҳтиромдан чексиз миннатдормиз. Энди ўғлим Баҳодирнинг кўксини шода-шода ғалаба медаллари қатори “Фидокорона хизматлари учун” ордени ҳам безаб туради. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ҳамда ўғлимнинг устоз-мураббийларидан чексиз миннатдорман. Фарзандимнинг ютуқлари бардавом бўлсин. Спортчиларимиз эришаётган ютуқларга кўз тегмасин, деб қоламан.

### ТОКИОДАГИ ҒАЛАБА БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЙМИЗ

**Давлат БОБОНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:**

— Спортда, айниқса, дзюдо ва курашда муваффақият учун биргина кучнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун кишига ирода, жаҳд, матонат ва маҳорат ҳам зарур. Мана шу хислатларни болалигимда бобом, ўсмирлигимда амаким Шаҳобиддин Бобонов ва кейинчалик устоз-мураббийим Нурали Қобулов мактабида мароммига етказдим.

Олимпия ўйинлари нуфузи бошқа мусобақалар, хусусан, жаҳон ва қитъа чемпионатларидан анча баланд эканига ушбу оламшумул тадбирда бевосита ўз иштироким натижасида амин бўлдим.

Олимпиадагача шу йилнинг ўзида Қирғизистон Республикасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин, Венгриядаги жаҳон чемпионатида кумуш медалларни қўлга киритган эдим.

Бу икки ютуқ менга Олимпиадада янада куч беришига ишонгандим. Аммо мусобақа савия ва даражаси, у ердаги ҳарорат мен кутганимдан ҳам юқори экан. Ҳар бир спортчи нафақат ўзи, балки оиласи, яқинлари, Ватанининг шаъни ҳимояси учун ҳаракат қилади. Ўз навбатида, мен ҳам бутун мусобақа давомида ортимда халқимиз, ота-онам, яқинларим, оила аъзоларим ҳамда Президентимиз борлигини дилдан ҳис қилиб турдим. Халқимиз ишончи, қўллаб-қувватлови менга қўшимча куч берди.

Биз, спортчиларга қаратилаётган эътибор учун чексиз миннатдорман. Қилинган меҳнат эса, албатта, бесамар кетмайди. Айниқса, бизнинг юртимизда. Хусусан, Токиодан қайтиб самолётдан тушгач, Ватанимиз заминига қадам босишимиз билан бизга Президент совғаси сифатида уй ва машина берилди. Бу биз, спортчиларга улкан мотивация инъом этади.

Насиб қилса, “Париж — 2024” Олимпиадасида ҳам қатнашиб, олтин медаллар билан қайтамиз.



Парижда чемпион бўлишга ваъда бераман ва бунинг учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўряпман.

### МАҚСАД САРИ ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙМАН



**Муаттар НАБИЕВА, «Келажак бунёдкори» медали соҳиби:**

— Ҳар бир инсон, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз олдига мақсад қўйиши ва ана шу мақсад сари ҳаракат қилиши керак. Мактабнинг 9-синфида ўқиб юрган кезларим оғир атлетикага бўлган қизиқишимни сезган устозларим спортнинг шу йўналиши бўйича астойдил шуғулланишимни уқтиришганидаёқ улкан мақсадни кўзлаганман. Бу борада тиним билмай ҳаракат қилдим.

Тан олиш керак, мен яшаётган Балиқчи туманида оғир атлетика билан шуғулланиш учун шароит йўқ. Бироқ бу баҳона бўла олмайди. Ҳар ким ўзи учун ўзи шароит яратиши ҳам мумкин. Мен ҳам зарур пайтларда яшаш уйимда ҳам машқ қилиш имкониятини яратдим. Муҳими, ҳаракатдан тўхтамадим.

Айни пайтда оғир атлетика бўйича мамлакат терма жамоаси аъзосиман. Токиода бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларига пухта ҳозирлик кўрдик. Афсуски, пандемия режаларимизга бир оз таъсир кўрсатди. Карантин шароитида уйга қайтишимга тўғри келди. Давлатимиз раҳбариятига, федерация масъулларига раҳмат, мана шундай оғир шароитда ҳам биз бир сония бўлсин машғулотдан тўхтаб қолмаслигимиз учун имконият яратиб берди. Зарур спорт анжомлари келтириб берилиши билан бир қаторда, устозларимиз машқларимизни онлайн тарзда кузатиб борди. Зарур кўрсатмаларни бериб, Олимпиадага элтувчи йўл сари ундаб турди.

Токиода бўлиб ўтган Олимпиадада 55 килограмм вазн тоифасида даст кўтариш машқида 98 килограмм тошни кўтариб, рекордни янгиладим. Ўзбекистонга қайтгач, “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландим. Ҳозир яна машқлар билан бандман — ўз олдимга қўйган мақсадим сари ҳаракатдан тўхтаганим йўқ. Гарчи, Токиода бўлиб ўтган Олимпиадада давлатимиз байроғини кўтариб юқори поғонага чиқа олмаган бўлсам-да, бироқ ниятимдан қайтганим йўқ. Парижда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида, албатта, Ватанимиз байроғини баландларга кўтариб, юртим шаънини ҳимоя қиламан.

Мен каби ўз олдига катта мақсадлар қўйган ҳар бир ҳамюртимга эса фақат олға интилишни тилаб қоламан! Ҳамонки ҳаракатда эканмиз, демак, бизда ҳали имкон бор. Биз, албатта, мақсадга эришамиз!

### ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ШИЖОАТИМИЗГА ШИЖОАТ ҚЎШМОҚДА



**Истам КАБИНОВ, Когон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс бўйича мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози:**

— Мактабимизда ёшларнинг 13 та спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Биргина бокс йўналишида айни дамда 200 нафардан зиёд ўғил-қизлар машғулотларда иштирок этяпти. Улар орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Ҳалим Утегенов, Алишер Мамедов, Алпомиш Умрзоқов, Гулбаҳор Жўраева сингари иқтидорли боксчилар бор.

Мен улар қиёфасига боқиб, юртимиздан етишиб чиққан ажойиб чарм қўлқоп усталари, хусусан, шогирдим, 2016 йилги Олимпиада ўйинлари ғолиби, мамлакат терма жамоаси аъзоси Шаҳобиддин Зоировнинг издошларини кўргандай бўламан.

Гап шундаки, Шаҳобиддин ҳам кечагина улар каби ёш, аммо қатъиятли, ўз устида мунтазам ишлашни одат қилган йигитча эди. Шогирдимнинг Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида қандай натижаларга эришгани бугун барчага маълум. Бинобарин, спорт кишидан жуда катта меҳнатни, сабр-тоқатни, чидам ва қатъиятни талаб этади. Шогирдларимга шуни алоҳида таъкидлайман. Қолаверса, халқаро мусобақаларда Ватан шаънини ҳимоя қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Дарвоқе, Президентимиз Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз спортчи ва мураббийларидан бир гуруҳи қаторида шогирдим Шаҳобиддин Зоиров I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан, мен эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан тақдирландим. Бу рағбат, эътибор ва ишонч кучимизга куч, шижоатимизга шижоат қўшмоқда. Бундан кейин ҳам мамлакатимиз терма жамоаси учун маҳоратли боксчилар тайёрлаб бериш йўлида ўз ғайратим ҳамда салоҳиятимни аямайман.

**«Халқ сўзи».**

## Спорт

### ГЕОРГИЙ АГЗАМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ШАХМАТ ТУРНИРИ БОШЛАНДИ



*Пойтахтимизда ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Агзамов хотирасига бағишланган анъанавий XIV халқаро шахмат турнири бўлиб ўтмоқда. У 23 августгача давом этади.*

Куни кеча Тошкентдаги Халқаро шахмат академиясида турнирнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда юртимиз фахри, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этди.

Георгий Агзамов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро шахмат турнирида 12 та мамлакат — Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Афғонистон, Эрон, Фаластин, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Беларусь ҳамда юртимиздан 150 нафарга яқин шахматчи ва ҳакамлар қатнашмоқда.

Мусобақада 1800 ва ундан юқори рейтингга эга шахматчилар асосий “А” гуруҳида ҳамда 1800 рейтингдан паст бўлган иштирокчилар “Б” гуруҳида ғолиблик учун дона суришади. Турнирнинг умумий соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Мусобақада бош ҳакамлик вазифаси халқаро тоифадаги ҳакам, ФИДЕнинг Марказий Осиё минтақаси президенти Ҳусан Турдиалиев зиммасига юкланган.

Ушбу турнирда иштирокчилар халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт ва ФИДЕ тоифасидаги спорт устаси унвонлари учун ҳам кураш олиб боради.

**«Халқ сўзи».**


«Ўзмиллийбанк» АЖ:

### ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЯҚИН КЎМАКЧИ

*Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни ривожлантиришда самарали омиллардан биридир. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Андижон вилоятида ҳам ушбу тармоқ тараққиётига алоҳида урғу берилиши натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми тобора кенгайиб боряпти.*

*Бунда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир.*

NBU O'ZMILLIYBANK

Эътиборлиси, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини келгуси икки йилда икки баравар ошириш режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга эришиш учун 2021-2022 йилларда ҳудудда умумий миқдори 380,1 миллиард сўмга тенг 140 та лойиҳа бажарилаётир. Уларнинг 20 фоизи “Ўзмиллийбанк” акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда 2020 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 11,4 триллион сўмга етди. Бу мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг 5 фоизини ташкил қилади. Замонавий савдо марказларини барпо этиш хизмат кўрсатиш йўналишларидан биридир.

Хусусан, “Ўзмиллийбанк” АЖ аҳолиси зич бўлган Шаҳрихон туманида савдо мажмуасининг қурилишини молиялаштирди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун банк томонидан 5,7 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

— Ушбу савдо мажмуасида харидорлар ва сотувчилар учун барча қулайлик яратилган, — дейди иш бошқарувчи Иброҳим Турсунов. — Бу ерда гўдаклардан тортиб, кекса ёшдаги аҳоли вакилларигача бўлган барча истеъмолчи учун маҳсулотлар сотилади. Савдо мажмуасига ҳар куни минглаб кишилар ташриф буюради. Бир кунлик ўртача савдо ҳажми қарийб 15 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткични 60 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Андижон кўчаларида фудтраклар сони ҳам кўпайди. Уларнинг дастлабки 100 таси Бобур кўчасида фаолият юритади. Бу қарийб 400 нафар андижонлик фуқарони иш билан таъминлаш имконини беради.

— Ихчам дўкончани 5 йиллик муддатга берилган имтиёзли кредит асосида олиш мумкин, — дейди тадбиркор Комилжон Иминов. — Бугунги кунда унинг нархи 85 миллион сўм қилиб белгиланган. Бу каби савдо шохобчаларини вилоятнинг бошқа туманларида ҳам очишни ният қилдик.

Маълумотларга кўра, 2021 йилда Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи 29,9 фоизга етказилади. Бу мақсадга эришиш учун умумий миқдори 41 миллиард сўмга тенг 33 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу ишга 12 миллиард сўм маблағ “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилади.

Асака туманида барпо этилаётган замонавий тиббий муассаса ана шундай лойиҳалардан бири. “Doctor Xon” клиникасини бу борадаги қалдирғоч лойиҳалардан, дейиш мумкин. Ушбу шифо масканини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар учун реабилитация маркази ҳисобланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард сўм бўлиб, унинг 600 миллион сўми “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилган кредитдир. Бу ерда ҳар куни юзлаб беморларга хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

— Туманимизда таянч-ҳаракат тизимида ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация марказининг очилиши менинг орзуим эди, — дейди даволаш-диагностика маркази раҳбари Асрорхон Аббосхонов. — Бу ерда беморларни энг сўнгги усуллар, яъни жисмоний машқлар, акватерапия, иппотерапия (от миниш орқали даволаш усули) ёрдамида даволашни йўлга қўймоқчимиз. Замонавий клиникамизда 30 та иш ўрни очилади.

“Ўзмиллийбанк” АЖ таълим соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Вилоятнинг Андижон туманида тез орада “Empire academy” хусусий мактаби илк ўқувчиларни қабул қилади. Бунинг учун 3,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. “Ўзмиллийбанк” АЖ ушбу лойиҳани амалга оширишда 1,2 миллиард сўмлик кредит ажратиш орқали иштирок этади.

Ўз навбатида, Хўжаобод тумани ёшлари ҳам “SAMO” кластер инновацион технологиялар институтининг очилишидан жуда мамнун. Лойиҳа қиймати 17,2 миллиард сўмни ташкил этади. Маблағнинг 1 миллион АҚШ доллари “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилди.

— Хўжаобод тумани Андижон вилоятининг тўқимачилик соҳасидаги саноат маркази ҳисобланади, — дейди “SAMO” инновацион технологиялар институтининг лойиҳалар бўйича менежери Бахтиёр Тўлқинов. — Туманда 500 дан зиёд фабрикалар фаолият юритади. Институтда 6 та йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Таълим жорий йилдан бошланади. Дастлабки ўқув йилида институтга 80 нафар талаба қабул қилинади. Айни пайтда 500 нафардан зиёд талабгорлардан ҳужжатлар қабул қилинган. Бу ерда нафақат ҳамюртларимиз, балки қўшни давлатлар фуқаролари ҳам таҳсил олишни хоҳлашмоқда.







Вилоятда спортга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Ўзбекистон” спорт комплекси Марҳамат туманидаги йирик спорт масканларидан бири ҳисобланади. 500 миллион сўмлик объектнинг ишга туширилиши билан бу ерда ҳар ойда қарийб 100 мингга яқин маҳаллий аҳоли спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

— “Ўзмиллийбанк” акциядорлик жамияти томонидан йўналтирилган 300 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобидан қисқа фурсатда ушбу мажмуа барпо этилди, — дейди тадбиркор Олимжон Мадраҳимов. — Бу ерда 150 та спорт секцияси, чўмилиш ҳавзаси, иккита спорт майдончаси фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда ҳайдовчиларни тайёрлаш курслари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ана шундай автомактаблардан бири Марҳамат туманида ташкил этилди. 800 миллион сўмлик лойиҳанинг 420 миллион сўми “Ўзмиллийбанк” АЖ кредитидир.

Тадбиркор Абдурашид Мамировнинг сўзларига кўра, бу ерда, асосан, туман ёшлари таҳсил олади. Уларнинг 14 нафари “ёшлар дафтари”, 17 нафари “аёллар дафтари”га киритилган фуқаролардир.

— Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 2021-2022 йилларда 140 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган, — дейди “Ўзмиллийбанк” АЖ Асака филиали бошқарувчиси ўринбосари Азамат Ашуров. — Ушбу лойиҳаларнинг бажарилиши 1 минг 700 дан зиёд янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Шу билан бирга, жойларда сезиларли ўзгаришлар қилинади, ҳудуд аҳолиси фаровонлиги ошиши кутилмоқда.

Умуман олганда, Андижон вилоятининг сервис соҳасидаги салоҳияти “Ўзмиллийбанк” АЖ мутахассислари томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинди. Зеро, хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантириш халқ фаровонлигини ошириш, меҳнат, ўқиш ва дам олиш учун муносиб шароитларни яратишнинг муҳим гаровидир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6